

Бир киши йўлдан ўтаётиб

15:20 / 21.02.2018 3841

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Мусулмонларга йўл ўртасида озор бераётган дарахтни кесиб ташлаган бир кишининг жаннатда ҳузур-ҳаловат ила яшаётганини кўрдим», дедилар.

Имом Муслим ривоятлари.

Бошқа бир ривоятда: **«Бир киши йўлдан ўтаётиб, ўртадаги дарахт шохини (кўриб), «Аллоҳга қасамки, мен бунини мусулмонларга азият бермаслиги учун четлаштираман»**, деганида, у жаннатга киритилди», дейилган.

Икковларининг бошқа бир ривоятларида: **«Бир киши кета туриб, йўлда тиконли шохни кўриб, уни четга олиб қўйди. Аллоҳ ундан мамнун бўлиб, гуноҳини кечирди»**, дейилган.